



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 30 » mart

№ 170

Toshkent sh.

### **“Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 марта ПҚ-4629-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

#### **1. Куйидагилар:**

“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларга жорий ҳолатида ўтказилаётган асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган активлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг (кейинги ўринларда – “Навоий КМК” давлат корхонаси) “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – акциядорлик жамияти) ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) ўтказиладиган активлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

“Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси Васийлик кенгашининг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### **2. Куйидагилар:**

а) “Навоийуран” давлат корхонасининг асосий вазифалари этиб белгилансин (кейинги ўринларда – “Навоийуран” ДК):

халқаро стандартларга мувофиқ энергия самарадорлиги ва экологик хавфсизлик чораларини таъминлаган ҳолда фойдаланишда бўлган табиий уран конларини ишлатиш, уран конларида мавжуд ноёб ва нодир металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш;

уран ва нодир металлар ишлаб чиқариш техноген чиқиндиларини утилизация қилиш, заарсизлантириш, консервация қилиш ва белгиланган чегара доирасидан четта чиқмаслигини таъминлаш;

техноген чиқиндиларни қайта ишлашда халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва олиб бориш;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларини заарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиш;

саноат, экологик ва радиацион хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда корхона фаолиятини таъминлайдиган хавфи юқори бўлган обьектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва ишлатиш;

**б) Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

ижтимоий-маданий, спорт-соғломлаштириш, уй-жой, майший биноларни, ижтимоий-маданий, спорт-соғломлаштириш ва даволаш инфратузилмаси обьектларини талаб даражасида техник, санитария ва ёнгинга қарши ҳолатда сақлаш ва ишлатиш;

касалликларнинг олдини олиш, соғломлаштириш, санаторий-курортда даволаш соҳасида ишларни ташкил қилиш;

акциядорлик жамияти, “Навоийуранд” ДК, Жамғарма ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун маданий-кўнгилочар, таълим аҳамиятига эга ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

акциядорлик жамияти, “Навоийуранд” ДК ва Жамғарма ходимлари яшаши учун ётоқхоналарда қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

овқатланишнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаган ҳолда акциядорлик жамияти, “Навоийуранд” ДК ва Жамғарма бўлинмаларида овқатланишни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан биргаликда **2021 йил 1 июлга қадар** куйидагиларни назарда тутувчи акциядорлик жамиятининг Трансформация дастурини ишлаб чиқиш учун халқаро инвестиция банкларини ва консультантларни жалб килсин:

замонавий корпоратив бошқарув тизимларини жорий этиш;

харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда “мувофиқлик тизими” (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантириш;

ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичларида татбиқ этиш.

4. “Навоий КМК” давлат корхонаси икки ой муддатда ушбу қарорга:

1-иловада келтирилган активларни жорий ҳолатида бепул топширишни, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар эса белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин ва улардан самарали фойдаланиш бўйича зарур чоралар кўрсин;

2-иловада келтирилган активларни жорий ҳолатида топширишни, акциядорлик жамияти ва Жамғарма эса белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин ва улардан самарали фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширасин.

5. Агентлик икки ой муддатда қуидагиларни:

“Навоий КМК” давлат корхонасининг номланишини “Навоийуран” ДК деб ўзгартириш ва Жамғарманинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда “Навоийуран” ДК ва Жамғарманинг ижро органлари раҳбарларини тасдиқлашни;

мазкур қарорга 2-иловада келтириб ўтилган мулк ва мулкий ҳуқуқларни Жамғарманинг оператив бошқарувига ўтказишни таъминласин.

6. “Навоий КМК” давлат корхонаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Агентлик билан биргаликда:

а) бир ой муддатда акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжатлари тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини;

б) икки ой муддатда:

акциядорлик жамиятининг устав капиталини шакллантириш, мазкур қарорнинг 4-бандига асосан акциядорлик жамияти акцияларини жойлаштиришда уларга ҳақ тўлаш сифатида берилиши лозим бўлган “Навоий КМК” давлат корхонасини мол-мулки ва мулк ҳуқуқларининг баҳоси тасдиқланишини;

2019 йил 30 июндан кейин “Навоий КМК” давлат корхонаси томонидан сотиб олинган (ўтказилган) асосий воситалар, номоддий активларнинг баланс қиймати бўйича акциядорлик жамияти акцияларига ҳақ тўлашда акциядорлик жамияти устав капиталига киритилишини;

акциядорлик жамияти ва Жамғармага ўтказилиши лозим бўлган “Навоий КМК” давлат корхонасининг айланма ва узоқ муддатли активлар қисми, шу жумладан, товар-моддий захиралар, дебиторлик қарздорликлар, курилиши тугалланмаган объектлар ва ўрнатиладиган асбоб-ускуналар баланс қиймати бўйича акциядорлик жамияти ва Жамғармага қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

7. “Навоий КМК” давлат корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Агентликнинг акциядорлик жамияти томонидан Жамғармага ҳомийлик ҳайрия кўрсатилиши ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, ҳомийлик ҳайрияларини кўрсатиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар Жамғарма жорий фаолиятини молиялаштириш унинг талабномалари асосида келишилган бюджет доирасида акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Агентлик билан биргаликда:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда умумий сонининг 30 фоизигачаси халқаро тажрибага эга мустақил аъзолар таркибида акциядорлик жамияти кузатув кенгаши тузилсин;

акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ҳузурида корпоратив бошқарувнинг халқаро меъёрларига жавоб берадиган қўмиталар тузиш, жумладан, аудит, стратегия ва инвестициялар бўйича қўмиталар шакллантирилишини таъминласин;

акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ҳузурида ташкил этиладиган ҳар бир қўмитанинг ваколатлари, вазифалари ва баҳолаш кўрсаткичларини белгилашни назарда тутувчи ички низомларни Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тасдиқласин;

танлов асосида халқаро тажрибага эга бўлган эксперталарни акциядорлик жамиятининг раҳбарлик лавозимларига жалб этсин.

9. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда молиявий ва юридик консультантларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 31 декабрга қадар Жамғармага ўтказиладиган активларнинг ўзини ўзи қоплаш ва рентабеллиги нуқтаи назаридан молиявий-иқтисодий таҳлилини ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма активларидан самарали фойдаланиш ва (ёки) асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган объектларни белгиланган тартибда сотиш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

10. Акциядорлик жамияти:

Навоий давлат кончилик институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш, профессор-ўқитувчилари таркибини моддий рағбатлантириш, шунингдек, ўкув, илмий-тадқиқот ва маърифий фаолият билан боғлиқ харажатларини молиялаштирусин;

кенг миқёсдаги илмий-тадқиқот ишлари ва ишланмаларни ташкил этиш учун Навоий давлат кончилик институти профессор-ўқитувчилари таркиби ҳамда тадқиқотчиларининг етакчи хорижий таълим муассасалари билан тажриба алмашинувини ташкил этсин;

етакчи таълим муассасаларида акциядорлик жамияти, “Навоийурон” ДК ва Жамғарма ходимларини самарали ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш ва етакчи кончилик корхоналари билан тажриба алмашиш чораларини кўрсинг;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргалиқда икки ой муддатда хавфсизлик ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликни инобатга олган ҳолда ва бўлимнинг эксплуатацион хусусиятларидан келиб чиқиб, 1-сон ГМЗнинг чиқиндилар сақланадиган бўлимини берилиши лозим бўлган ташкилот юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклиф киритсин.

11. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси икки ҳафта муддатда тўғридан-тўғри музокаралар асосида, очик савдолар ўтказмасдан ва тўловлар олмасдан, акциядорлик жамияти буюртмаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 мартағи ПҚ-4629-сон қарорига 2-илованинг 2-бўлимига мувофиқ рўйхат бўйича геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқига оид лицензиялар берилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги уч ой муддатда кон-металлургия соҳасидаги корхоналарда ишлаб чиқариш локализацияси ва саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) икки ой муддатда акциядорлик жамияти ва “Навоийурон” ДКга берилаётган геологик ўрганиш учун ва эксплуатация қилинаётган ер қаъри участкалари, кўчмас мулк обьектларининг кадастр ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар икки ойлик муддатда йигимлар ва бошқа тўловларни ундирамасдан қуидагилар амалга оширилишини:

акциядорлик жамияти ва Жамғармага ўтказиладиган автотранспорт воситалари ва бошқа ҳаракатланадиган таркиб Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида қайта расмийлаштирилишини, шунингдек, “Навоийуран” ДКнинг автотранспорт воситалари ва бошқа ҳаракатланадиган таркиб тегишли ариза берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан ошмаган муддатда қайта расмийлаштирилишини;

акциядорлик жамияти ва Жамғарма кўчмас мулк объектларининг кадастр хужжатлари рўйхатдан ўтказилишини, шунингдек, “Навоийуран” ДКнинг кўчмас мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи тегишли ариза берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан ошмаган муддатда қайта рўйхатдан ўтказилишини;

акциядорлик жамияти ва Жамғармага лицензия, сертификат, патент ва бошқа рухсат берувчи хужжатларни бериш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказишни таъминланишини, шунингдек, юқорида кўрсатилган хужжатлар тегишли ариза берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан ошмаган муддатда “Навоийуран” ДК номига қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги 666-сон қарорининг амал қилиши “Навоий КМК” давлат корхонасига нисбатан, шунингдек, акциядорлик жамиятига ўтказилган мулкларга, бўш турган ишлаб чиқариш майдонларига нисбатан 2021 йил 31 декабрга қадар татбиқ этилмайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий комметаллургия комбинати” давлат корхонасининг соҳага оид бўлмаган, ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилмаган активларидан самарали фойдаланишини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 14 январдаги 23-сон қарорига, шунингдек, ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларга ўтказилаётган объектлар ходимларининг меҳнат ҳуқуқлари, имтиёзлари ва кафолатларини таъминлаш мақсадида 2021-2022 йиллар давомида:

уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси, бирлашган энергия хизмати, подстанция ва тармоқлар цехи участкалари, иссиқлик, сув, газ таъминоти ва канализациялар, мактабгача таълим ташкилотлари ва бошқа асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган объектлар ходимларининг “Навоий КМК” давлат корхонасининг амалдаги жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлари акциядорлик жамиятининг маблағлари ҳисобидан сақлаб қолиниши бўйича таклифларига розилик берилсин;

қўйидаги ташкилотларга топширилган обьектлар ходимларининг илгари “Навоий КМК” давлат корхонаси томонидан тўланган иш ҳақи миқдори ва обьектлар ўтказилаётган ташкилотлар янги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ўртасидаги фарқлар акциядорлик жамияти ҳисобидан қопланиши бўйича таклифларига розилик берилсин, хусусан, Жиззах вилояти Фаллаорол тумани ва Самарқанд вилояти Нуробод тумани ободонлаштириш бўлимлари, иссиқсувтаъминот ва канализация хизматлари, Навоий вилояти Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Конимех, Учқудуқ ва Кармана тумани ободонлаштириш бўлимлари.

17. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

акциядорлик жамияти, “Навоийуран” ДК ва Жамғарма ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий КМК” давлат корхонаси ходимлари иш ҳақини туманлар (ҳудудлар) бўйича тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 24 апрелдаги 232-сон қарори татбиқ қилинади;

акциядорлик жамияти, “Навоийуран” ДК ва Жамғарма учун “Навоий КМК” давлат корхонасида мавжуд бўлган иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси хариталари амал қилиши сақланиб қолинади;

2023 йил 1 январгача акциядорлик жамияти, “Навоийуран” ДК ва Жамғарма ўзаро шартномаларини тўғридан-тўғри тартибда тузишга рухсат этилади;

акциядорлик жамияти ва Жамғарма “Навоий КМК” давлат корхонасининг амалдаги шартномалар бўйича асосий фаолият турига тегишлилиги ва ишлаб чиқариш жараёнларини инобатга олган хамда учинчи томон билан келишган ҳолда “Навоий КМК” давлат корхонасининг хукуқ ва мажбуриятлари бўйича хукуқий вориси ҳисобланади, бунда барча кредит шартномалари (кредиторлар билан келишилган ҳолда) акциядорлик жамиятига ўтказилади, “Навоийуран” ДК эса қолган шартномалар бўйича “Навоий КМК” давлат корхонасининг хукуқ ва мажбуриятларини амалга оширишни давом эттиради.

18. Навоий вилояти ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда:

“Навоий КМК” давлат корхонаси томонидан бериладиган кўп хонали турар жой бинолари мулкдорларига уй-жой мулкдорлари ширкатлари кенгашини тузишга амалий ёрдам кўрсатсан ва тегишли ободонлаштириш бўлинмаларига ўтказилмаган шахсларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрсинг;

мулк эгалари шериклик кенгашига берилган объектларнинг кадастр паспортларини тасдиқлашда, паспортларга турар жой биноси яқинида жойлашган ер ва ободонлаштириш майдонлари тўғрисида маълумотларни киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Навоий вилояти маҳаллий бюджетига Навоий шаҳри, Зарафшон шаҳри, Учқудуқ ва Конимех туманлари ободонлаштириш бошқармаларининг қўшимча штат бирликлари ҳамда ободонлаштириш бошқармаларига бириктирилаётган кўкаламзорлаштириш майдонларини сақлаш ишлари учун зарур бўлган маблағларни 2021 йилдан бошлаб Навоий вилояти маҳаллий бюджетига Ободонлаштириш харажатларига ажратилган маблағлар ҳисобидан ажратсин.

20. Акциядорлик жамияти раҳбар лавозимларига янги тайинланадиган чет эл фуқароларига молиявий-иктисодий ва ишлаб чиқаришга тааллуқли маҳфий маълумотлар билан танишишга белгиланган тартибда рухсат берилсин.

21. Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги 8-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

22. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринbosари – иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг  
2021 йил “30” мартдаги Г70 - сон қарорига  
1-илова

“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг маҳаллий ижро  
этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларга жорий ҳолатида  
үтказилаётган асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган активлари  
**РЎЙХАТИ**

Т/п	Асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган активлар номи	Жойлашган жойи	Қабул қилиб олувчи ташкилот
1.	Зарафшон шаҳри саноат майдонида жойлашган аэропорт (инв. № 06070542), тегишли бино ва иншоотлар, инфратузилма ва коммуникация тармоқлари, барча мол-мулк, ҳудуд ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Томди тумани	Зарафшон шаҳри ҳокимлиги
2.	“Қизилқум олтин” стадиони (инв. № 73128393, 73128395, 98070560, 98080551, 98128210), тегишли бино ва иншоотлар, инфратузилма ва коммуникация тармоқлари, барча мол-мулк, ҳудуд ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, 2-кичик туман	Зарафшон шаҳри ҳокимлиги
3.	Шимолий кон бошқармасига тегишли собиқ инкубатор биноси (инв. № 8606048), тегишли иншоотлар, коммуникация тармоқлари ва бошқа мол-мулк билан.	Навоий вилояти, Учқудук тумани	Давлат активларини бошқариш агентлиги
4.	Шимолий кон бошқармасига тегишли собиқ балиқчилик озуқа хўжалиги (инв. № 8309138).	Навоий вилояти, Учқудук тумани, собиқ шаҳар кўли атрофи	Давлат активларини бошқариш агентлиги
5.	100 ўринга мўлжалланган собиқ ётоқхона биноси (инв. № 53), тегишли иншоотлар, коммуникация тармоқлари, барча мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Кўкча қишлоғи	Давлат активларини бошқариш агентлиги
6.	20 ўринга мўлжалланган ҳаммом биноси (инв. № 1906001), тегишли иншоотлар, коммуникация тармоқлари ва бошқа мол-мулк билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, “Довғизтов” қўргони	Давлат активларини бошқариш агентлиги
7.	“Мини-футбол стадиони (инв. № 1906002), тегишли иншоотлар, коммуникация тармоқлари ва бошқа мол-мулк билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, “Довғизтов” қўргони	Давлат активларини бошқариш агентлиги
8.	“Келажак” маданий-маърифий маркази, болалар ва ўсмирлар маркази, мажлислар зали бинолари (инв. № 8712439, 8712440, 8712441), тегишли иншоотлар, инфратузилма ва коммуникация тармоқлари, барча мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Учқудук тумани	Учқудук тумани ҳокимлиги

Т/р	Асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган активлар номи	Жойлашган жойи	Қабул қилиб олувчи ташкилот
9.	“Меҳнат” стадиони (инв. № 81049, 87051, 32580, 81045, 90603), тегишли бино ва иншоотлар, коммуникация тармоқлари, барча мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, “Машъал” МФЙ	Давлат активларини бошқариш агентлиги
10.	“Шодлик” меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун собиқ “Олтин тұя” меҳмонхонаси негизида ташкил этилган Болалар шаҳарчаси (инв. № 03124983, 03124997, 03124998, 19081380), барча бино ва иншоотлар, инфратузилма ва коммуникация тармоқлари, барча мол-мулк ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Томди тумани	Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлими
11.	“Олтин кўл” мажмуаси (инв. № 1909002, 1911005, 1911006, 1911012), бино ва иншоотлар, инфратузилма ва коммуникация тармоқлари, барча мол-мулк ва асосий воситалар билан (захира сув омбори ва насос станциясидан ташқари).	Навоий вилояти, Учқудук тумани	Учқудук тумани ҳокимлиги
12.	Навоий давлат кончилик институтига тегишли спорт мажмуаси, барча мол-мулк ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	Навоий давлат кончилик институти
13.	Марказий кон бошқармасига тегишли Зарафшон шаҳридаги ёзги кинотеатр биноси, иншоотлар, коммуникация тармоқлари ва бошқа молк-мулк билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Давлат активларини бошқариш агентлиги
14.	Жанубий кон бошқармасига қарашли Универсам биноси (инв. № 03784, 03785), тегишли совутиш минораси (градирная), коммуникация тармоқлари ва бошқа мол-мулк билан.	Тошкент вилояти, Красногорск шаҳарчаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
15.	Жанубий кон бошқармасига тегишли алоқа участкаси биноси ва иншоотлари (инв. № 17062), коммуникация тармоқлари, ускуналари ва бошқа мол-мулки билан.	Тошкент вилояти, Красногорск шаҳарчаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
16.	Жанубий кон бошқармасига тегишли портловчи воситалар омборхонаси (инв. № 04288, 16500, 16505), ёрдамчи бинолари ва иншоотлари, коммуникация тармоқлари ва бошқа мол-мулки билан.	Тошкент вилояти, Красногорск шаҳарчаси	Давлат активларини бошқариш агентлиги
17.	Жанубий кон бошқармасининг “Чирик” бойитиш участкасига қарашли дам олиш маскани (инв. № 21393, 99457), барча бино ва иншоотлари, коммуникация тармоқлари ва бошқа мол-мулки билан.	Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик тумани	Давлат активларини бошқариш агентлиги

T/р	Асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган активлар номи	Жойлашган жойи	Қабул қилиб олувчи ташкилот
18.	Жанубий кон бошқармасига тегишли омборхона биноси (инв. № 00647, 00648), унга тегишли бўлган кириш майдони, иншоотлар, коммуникация тармоқлари ва бошқа мол-мулк билан.	Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани	Давлат активларини бошқариш агентлиги
19.	Нуробод тумани саноат майдони жойлашган Жанубий кон бошқармасининг қурилиш-таъмирлаш цехига қарашли асфальт ишлаб чиқариш заводи (инв. № 60026, 65013, 65319, 66015, 82243), тегишли иншоотлар, коммуникация тармоқлари ва бошқа мол-мулк билан.	Самарқанд вилояти, Нуробод тумани	Давлат активларини бошқариш агентлиги
20.	Зарафшон қурилиш бошқармасининг “Шимолий” қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли ишлаб чиқариш ва техник жиҳозлаш участкаси, тегишли бино ва иншоотлари, коммуникация тармоқлари, ускуналари ва бошқа мол-мулки билан.	Навоий вилояти, Учқудук шаҳар, саноат майдони	“Ўзметкомбинат” АЖ
21.	Собиқ 19-сон магазин ва спорт соғломлаштириш мажмуаси бинолари, тегишли иншоотлари, ускуналари ва бошқа мол-мулки билан.	Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ кўргони	Давлат активларини бошқариш агентлиги
22.	Зарафшон қурилиш бошқармасининг ишлаб чиқаришини тайёрлаш участкасидаги темир-бетон заводига қарашли қолиплаш цехи биноси (инв. № 24552), тегишли иншоотлари, коммуникация тармоқлари, ускуналари ва бошқа мол-мулки билан.	Навоий вилояти, Учқудук шаҳар, саноат майдони	Давлат активларини бошқариш агентлиги
23.	Зарафшон қурилиш бошқармасининг ишлаб чиқаришини тайёрлаш участкасидаги темир-бетон заводига қарашли қолиплаш цехи биноси (кенгайтириш) (инв. № 24555), тегишли иншоотлари, коммуникация тармоқлари, ускуналари ва бошқа мол-мулки билан.	Навоий вилояти, Учқудук шаҳар, саноат майдони	Давлат активларини бошқариш агентлиги
24.	Зарафшон қурилиш бошқармасининг 2-сон темир-бетон заводининг бино ва иншоотлари (инв. № 6402, 6405, 6410), тегишли коммуникация тармоқлари, ускуналари ва бошқа мол-мулки билан.	Навоий вилояти, Учқудук шаҳар, саноат майдони	Давлат активларини бошқариш агентлиги
25.	Собиқ тикувчилик цехи хоналари (инв. № 8803126), тегишли коммуникация тармоқлари, барча мол-мулки ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Учқудук тумани	Давлат активларини бошқариш агентлиги

<b>T/p</b>	<b>Асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган активлар номи</b>	<b>Жойлашган жойи</b>	<b>Қабул қилиб олувчи ташкилот</b>
26.	Зарафшон шаҳри саноат иссиқ сув таъминоти ва оқова сувларни тозалаш цехининг канализация ва тозалаш иншоотлари участкаси (инв. № 72090454, 72090455, 72090456, 72100604, 72100605, 89101437, 89101440, 89101457), тегишли бино ва иншоотлари, ускуналари, коммуникация тармоқлари, ҳудуди, барча мол-мулки ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
27.	Зарафшон шаҳри саноат иссиқ сув таъминоти ва оқова сувларни тозалаш цехининг кимё-бактериологик лабораторияси (инв. № 72100602), тегишли бино ва иншоотлари, ускуналари, коммуникация тармоқлари, барча мол-мулки ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
28.	“Металлург” профилакторияси электр таъминотининг 6 кВ ҳаво электр узатиш тармоқлари (инв. № 30723).	Навоий вилояти, Кармана тумани	“Навоий ХЭТК” АЖ
29.	“Лазурная” подстанциясидаги навбатчи ходимлар учун кўчма хона (вагон-контейнер 40 т) (инв. № 30549).	Навоий вилояти, Қизилтепа тумани	“Навоий ХЭТК” АЖ
30.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (36 та).	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
31.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (15 та).	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
32.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (7 та).	Навоий вилояти, Учқудук шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
33.	Махсус техника, ускуна, автотранспорт воситалари ва тиркама (5 та).	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод шаҳарчаси	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
34.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (16 та).	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	Навоий шаҳар ҳокимлиги хузуридаги ободонлаштириш бошқармаси

Т/п	Асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган активлар номи	Жойлашган жойи	Қабул қилиб олувчи ташкилот
35.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (3 та).	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Зарафшон шаҳар ҳокимлиги хузуридаги ободонлаштириш бошқармаси
36.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (6 та).	Навоий вилояти, Учқудук шаҳри	Учқудук тумани ҳокимлиги хузуридаги ободонлаштириш бошқармаси
37.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (2 та).	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод шаҳарчаси	Конимех тумани ҳокимлиги хузуридаги ободонлаштириш бошқармаси
38.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (3 та).	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	“Навоий ҲЭТК” АЖ
39.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (8 та).	Навоий вилояти, Учқудук шаҳри	“Худудгаз Навоий” МЧЖ
40.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (3 та).	Самарқанд вилояти, Нуробод тумани	Самарқанд вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
41.	Махсус техника ва автотранспорт воситалари (5 та).	Жizzах вилояти, Маржонбулоқ шаҳарчаси	Жizzах вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
42.	Ислом Каримов шоҳ кўчаси, 76-уй, 8-хонадонда жойлашган УЖКБ лифт хизмати диспетчерлик бўлинмаси хоналари (инв. № 80511), барча мол-мулк ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
43.	Жасорат кўчаси, 13-уйдаги 7-сон Уй-жойдан фойдаланиш идорасида жойлашган Уй-жой коммунал бошқармаси лифт хизмати хоналари, барча мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
44.	Меъморлар кўчасидаги 8-сон Уй-жойдан фойдаланиш идорасида жойлашган Уй-жой коммунал бошқармаси электр таъминоти хизмати хоналари, барча мол-мулк ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси

Т/р	Асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган активлар номи	Жойлашган жойи	Қабул қилиб олувчи ташкилот
45.	Қизилкум кўчаси, 17-йдаги 1-сон Уй-жойдан фойдаланиш идорасида жойлашган авария-диспетчерлик хизмати хоналари ва иншоотлари, барча мол-мулки ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатишиш бошқармаси
46.	Ломоносов кўчаси, 7-йдаги 1-, 2-, 3-, 4-хонадонларда жойлашган 10-сон Уй-жойдан фойдаланиш идораси (инв. № 609), барча мол-мулки ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Навоий шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатишиш бошқармаси
47.	Марказий кон бошқармасига қарашли Уй-жой коммунал бошқармаси кўп қаватли турар жойлардаги лифтлари (инв. № 78046067, 86093724, 86082086, 80093697, 92123339).	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатишиш бошқармаси
48.	2-кичик туман, 28-уй, 8-хонадонда жойлашган Марказий кон бошқармаси Уй-жой коммунал бошқармаси лифт хизмати хоналари ва совитиш минораси (градирная) (инв. № 04102180, 04102182, 77036189), барча мол-мулки, ободончилиги ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатишиш бошқармаси
49.	Маказий кон бошқармасига қарашли 2-, 3-, 5-, 6-сон Уй-жойдан фойдаланиш идораси барча мол-мулки, кўп квартирали турар жой ободончилиги ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатишиш бошқармаси
50.	Марказий кон бошқармасига қарашли Уй-жой коммунал бошқармаси жорий таъмирлаш участкаси бино ва иншоотлари (инв. № 85122371, 92129151, 92129152, 92129153, 92129154, 92129155, 92129156, 92129157), барча хоналари, омборхоналар, ободончилиги, мол-мулки ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатишиш бошқармаси
51.	Марказий кон бошқармасига қарашли Уй-жой коммунал бошқармаси жорий таъмирлаш участкаси биносида жойлашган авария-диспетчерлик хизмати хоналари (инв. № 05050859, 05071091), барча мол-мулки ва асосий воситалари билан	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатишиш бошқармаси

Т/р	Асосий фаолият билан боғлик бўлмаган активлар номи	Жойлашган жойи	Қабул қилиб олувчи ташкилот
52.	Хўжалик бошқарув биноси (инв. № 85092258, 84120054, 82092848, 85121483), барча иншоотлар, инфратузилмаси, ободончилиги ва кўкаламзорлиги, молк-мулки ва асосий воситалари билан.	Навоий вилояти, Зарафшон шахри, саноат майдони	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
53.	Марказий кон бошқармасига қарашли УЖКБ 1-, 2-, 3-, 5-, 6-сон Уй-жойдан фойдаланиш идораси ва кўкаламзорлаштириш бўлимининг барча инфратузилмаси, коммуникация тармоқлари, дренаж ва ирригация тизими, ободончилиги ва кўкаламзорлиги (инв. № 83129675, 15120431, 16030050, 02060943).	Навоий вилояти, Зарафшон шахри	Навоий вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси
54.	Шимолий кон бошқармасига қарашли Уй-жой коммунал хўжалигининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш участкасининг барча мол-мулки ва асосий воситалари (инв. №8408139).	Навоий вилояти, Учқудук тумани	Учқудук тумани ҳокимлиги
55.	Шимолий кон бошқармасига қарашли собиқ шаҳар газ биноси (инв. № 6210037), унга тегишли иншоотлар, коммуникация тармоқлари, ускуналар, барча мол-мулк билан.	Навоий вилояти, Учқудук тумани, Тинчлик кўчаси, 22-уй	“Худудгаз Навоий” МЧЖ
56.	5-кон бошқармаси 2-Геотехнологик кони Кетмончи участкасининг табиий газ таъминоти қувури ва барча мол-мулки ва асосий воситалари.	Самарқанд вилояти, Пахтачи тума Қарнаб-ота ҚФЙ	“Худудгаз Самарқанд” МЧЖ
57.	5-кон бошқармаси Механика таъмирлаш цехининг табиий газ таъминоти қувури ва барча мол-мулки ва асосий воситалари.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	“Худудгаз Навоий” МЧЖ
58.	5-кон бошқармаси Марказий моддий-техник базанинг табиий газ таъминоти қувури ва барча мол-мулки ва асосий воситалари.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	“Худудгаз Навоий” МЧЖ
59.	Халқлар дўстлиги кўчаси, 71-уйга туташ қурилган 1 қаватли бинода жойлашган майдони $17,0\text{ m}^2$ , $31,6\text{ m}^2$ , $114,7\text{ m}^2$ и $62,2\text{ m}^2$ дан иборат бўлган 4 та хона.	Навоий вилояти, Учқудук тумани	Учқудук тумани ҳокимлиги
60.	Шимолий кон бошқармасига қарашли ишлатилмайдиган пайвандлаш-таъмирлаш биноси (инв. № 7512286), муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, бошқа мол-мулки билан.	Навоий вилояти, Учқудук тумани, саноат майдони	Давлат активларини бошқариш агентлиги

T/p	Асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган активлар номи	Жойлашган жойи	Қабул қилиб олувчи ташкилот
61.	Шимолий кон бошқармасига қарашли омборхона биноси (инв. № 0209117), қўшимча иншоотлари, коммуникация тармоқлари, ободонлаштириш худуди ва бошқа мол-мулки билан.	Навоий вилояти, Учқудук тумани	Давлат активларини бошқариш агентлиги
62.	Шимолий кон бошқармасига қарашли 10-115-32-сон бино (инв. № 0209106), унга тегишли иншоотлар, коммуникация тармоқлари, ободонлаштириш худуди ва бошқа мол-мулк билан.	Навоий вилояти, Учқудук тумани	Давлат активларини бошқариш агентлиги
63.	5-кон бошқармасига қарашли телевидение мачтаси (инв. № 30551), унга тегишли коммуникация тармоқлари, ускуналар ва бошқа мол-мулк билан.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	“Радиоалоқа, радиоузатиш ва телевидение маркази” ДУК
64.	5-кон бошқармасига қарашли генератор хонаси (инв. № 30554), унга тегишли коммуникация тармоқлари, ускуналар ва бошқа мол-мулк билан.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	“Радиоалоқа, радиоузатиш ва телевидение маркази” ДУК
65.	1-квартал телефонизацияси (инв. № 18517), унга тегишли барча мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	“Ўзтелеқом” АК
66.	III-квартал телефонизацияси (инв. № 18511), унга тегишли барча мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	“Ўзтелеқом” АК
67.	VI-квартал телефонизацияси (инв. № 18512), унга тегишли барча мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	“Ўзтелеқом” АК
68.	Ички телефон тармоқлари (инв. № 30453), унга тегишли барча мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	“Ўзтелеқом” АК
69.	5-кон бошқармасига қарашли ички телефон алоқаси (инв. № 18518), унга тегишли барча мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	“Ўзтелеқом” АК
70.	Шимолий кон бошқармасига қарашли алоқа тармоқлари (инв. № 0112108, 8609118, 8712138, 7309221, 6209017, 6209019, 9608046, 9806065, 9812133, 0611058, 0611063, 1503003, 0312076, 9912081, 9112031, 6602036, 6607024, 6210036, 7309219, 7309220, 7512255, 7512254, 7512264, 7606308, 7612228, 7409180, 8112199, 8712154, 8712156, 8609111, 8712155, 8609119).	Навоий вилояти, Учқудук тумани	“Ўзтелеқом” АК
71.	Шимолий кон бошқармасига қарашли алоқа тармоқлари қувурлари (инв. № 8312273, 8412095).	Навоий вилояти, Учқудук тумани	“Ўзтелеқом” АК

<b>Т/п</b>	<b>Асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган активлар номи</b>	<b>Жойлашган жойи</b>	<b>Қабул қилиб олувчи ташкилот</b>
72.	Шимолий кон бошқармасига қарашли телефон ва радиоалоқа тармоқлари (инв. № 8706095, 8712435, 8912050, 8912092, 8912098, 8912117, 9005083, 9006063, 9009036, 9012256, 9106092, 9110048, 9112073, 9212089).	Навоий вилояти, Учқудук тумани	“Ўзтелеком” АК
73.	5-кон бошқармаси уй-жой коммунал хўжалигига қарашли ёрдамчи бинолар, тегишли иншоотлари ва омборхона бинолари (инв. № 16405, 7841, 804, 15998, 802, 803, 15999).	Навоий вилояти, Конимех тумани, Зафаробод қўргони	Конимех тумани ҳокимлиги
74.	BC-24-сон қудук, унга ишлатилган насос, шланг ва электр узатиш симлари, моддий товар бойликлари билан.	Самарканд вилояти, Нуробод тумани	Нуробод тумани ҳокимлиги
75.	Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Учқудук ва Кармана туманларидағи идоравий уй-жойлар.	Навоий вилояти	Давлат активларини бошқариш агентлиги
76.	11-сон хизмат квартираси, тегишли мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Навоий шахри, Навоий кўчаси, 42-уй	Навоий шахри ҳокимлиги
77.	19-сон хизмат квартираси, тегишли мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Навоий шахри, Ибн Сино кўчаси, 2-уй	Навоий шахри ҳокимлиги
78.	42-сон хизмат квартираси, тегишли мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Навоий шахри, Файзулло Хўжаев кўчаси, 7-уй	Навоий шахри ҳокимлиги
79.	62-сон хизмат квартираси, тегишли мол-мулк ва асосий воситалар билан.	Навоий вилояти, Навоий шахри, Ислом Каримов шоҳ кўчаси, 74-уй	Навоий шахри ҳокимлиги
